

Куч адолатли, адолат эса кучли бўлмоғи лозим гоёсини илгари сураётган Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси номзодларига овоз беринг.

Inson manfaatlari — oliy qadriyat

ADOLAT

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA info@adolatgz.uz • www.adolatgz.uz • www.adolat.uz • № 51-son (1272) • 2019-yil 19-dekabr, payshanba

"ADOLAT" SDP NOMZODLARIGA
OVOZ BERING!

ADOLAT
YO'LIDA
BIRLASHAYLIK!




Ойдин АБДУЛЛАЕВА
Ўзбекистон "Адолат" СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
141-Темирйўлчи сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган

Қуйи бўғин ходимларига
этибор зарур

Аҳоли саломатлиги, шубҳасиз, жамиятнинг барқарор ривожланиши гаровидир.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига этиборнинг кучайганини давлат бюджетидан ажратилаётган маблағларнинг йилдан-йилга ошиб бораётганида ҳам кўришимиз мумкин. Хусусан, соғлиқни сақлаш тизмига давлат бюджетидан 2018 йилда 2017 йилга нисбатан 40 фоиз кўп маблағ ажратилган бўлса, 2019 йилда 2018 йилга нисбатан қарийб 30 фоиз кўп бюджет маблағлари йўналтирилди. Шунга қарамадан, ҳудудларда ўтказаетган учрашувлар ҳамда ўрганишларимиз шунини кўрсатмоқдаки, юртимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасида ҳали бир талай муаммолар ўз ечимини кутиб турибди.

2



Қонун
устуворми
ёки
адолат?
Ёки қонун
устуворлиги
адолатда
эмасми?

Ассалому алайкум хурматли "Адолат" газетаси таҳририяти ходимлари! Сизларга адолат излаб муурожаат қиляпман.

7

Партия раҳбари «Чорсу» бозорига сайловчилар билан учрашди

Ўзбекистон "Адолат" социал-демократик партияси Сиёсий Кенгаши раиси Наримон Умаров Тошкент шаҳридаги "Чорсу" бозорига сайловчилар билан учрашди. Унда партия Сиёсий Кенгаши аъзолари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ҳамда депутатликка номзодлар, партия экспертлари ва фаоллари иштирок этди.

4



"АДОЛАТ"ГА ЖАВОБ БЕРАДИЛАР

"Ўзимизнинг пулимизни қачон олаемиз?"

Газетанинг 2019 йил 13 декабрдаги 50-сонда эълон қилинган "Ўзимизнинг пулимизни қачон олаемиз?" сарлавҳали мақола "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамиятида атрофлича ўрганиб чиқилди.

Қишлоқ мулкдорларининг муаммоларига алоҳида этибор қаратгани учун ижодкорларга миннатдорлик билдирган ҳолда, мақолани чоп этишдан олдин масала моҳияти чуқур ўрганили-

ши, "Журналистик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси қонунининг 6-моддаси иккинчи бандига асосан тайёрланаётган материалнинг тўғри ёки нотўғри эканлиги текшириб кўрилиши шарт эди, деб ҳисоблаймиз. Чунки мазкур масаланинг ечими корчалоликда айбланган "Боглод пахта тозалаш заводи ҳиссдорлик жамияти" мутасаддиларигагина боғлиқ эмас.

Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармасини бошқариш департаменти (кейинги ўринларда Жамғарма), "Агробанк" АТБ ва "Ўзпахтасаноат" АЖ ўртасида 2018 йилнинг 15 сентябрида тузилган Бош келишувда "Молия" ("Агробанк") ва "Тижорат" ("Ўзпахтасаноат") агентлари тақдим этилган буюртмаларга мувофиқ Жамғарма томонидан пахтанинг якуний ҳисоб-китоб маблағлари ажратиб борилиши белгиланган.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида 2007 йил 14 ноябрда 1738-сон билан рўйхатга олинган "Уруғлик пахта хом ашёсини етиштириш миқдорини аниқлаш ва унга асосан шартномалар тузиш тартиби тўғрисидаги Низом" талабларига кўра,

Қишлоқ хўжалиги вазирлиги "Уруғчиликни ривожлантириш маркази" ДУК ва "Ўзпахтасаноат" АЖ мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи томонидан уруғчилик хўжалиқларига иккинчи босқичда тўланадиган устама маблағлар миқдори ҳисоблаб чиқилиб, Қишлоқ хўжалиги вазирлиги томонидан Молия вазирлигига жорий йилнинг 4 октябр куни 02/Т-9-2809-сонли буюртма тақдим этилган.

Юқорида кўрсатилган буюртма бўйича Молия вазирлиги ҳузуридаги Қишлоқ

хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси томонидан маблағлар ажратилиши билан "Олтин кўз" фермер хўжалигига уруғлик пахта учун иккинчи босқичда тўланадиган устамалар тўлаб берилишини билдираемиз.

Ишончимиз комилки, бундан кейинги мақолалардаги далилларнинг аниқлигини текшириб кўришда таҳририят "Ўзпахтасаноат" АЖ мабуот хизмати билан ҳамкорлик қилади.

Бошқарув раисининг ўринбосари Ф.ТУРСУНОВ.

ТАХРИРИЯТДАН: Фермернинг ари, юқорида айтиб ўтилгандек, газетамизнинг 13 декабрь сонидида чоп этилди. Мақолани қисқа муддатда ҳар томонлама ўқиб-ўрганиб чиқиб, таҳририятга 16 декабрь куни расмий жавобни тақдим этишлари учун "Ўзпахтасаноат" акциядорлик жамияти мутасаддиларига миннатдорлик билдириб қоламиз ва ўз навбатида биз ҳам мазкур ташиқлот матбуот хизмат билан ҳамкорлигимиз давом этишига умид билдириб қоламиз.

Қуйи бўгин ходимларига эйтибор зарур

Сўнги пайларда тиббиёт муассасаларимиз кўплаб замонавий тиббий ускуналар билан таъминланмоқда. Айниқса, туман ва қишлоқ врачлик пунктларига хоридан замонавий тиббий жиҳозлар олиб келинаёпти. Бу қувонарли ҳол, албатта. Аммо ушбу технология билан ишлайдиган кадрлар етарли эмас. Тўғри, шаҳарларимиздаги марказий касалхоналар, оилавий поликлиникаларда аҳолига хизмат кўрсатиш борасида сезиларли ўзгаришлар бор. Лекин қишлоқ шароитида яшайдиган аҳоли учун махсус олиб келинган ускуналарда ишлайдиган мутахассислар сони жуда оз. Муаммонинг асосий сабаби, қуйи бўгин тиббиёт ходимларига етарли шароит яратилмаётганидир. Сўнги вақтда тиббиёт соҳасида фаолият юритадиган ходимларнинг иш ҳақлари бир неча бор оширилди, шифокорлар маоши яхшиланди-ю, аммо тиб-

биёт ҳамширалари, таҳлил бўлимларида ишловчи ўрта тоифадаги ходимларнинг иш ҳақлари ҳамон пастлигича қолмоқда.
Давлат ижтимоий сиёсатининг энг муҳим йўналишлари, барқарор ривожланиш омилидан бири, бу аҳолига кафолатланган сифатли тиббий хизмат кўрсатиши билан бирга, оналар ва болалар саломатлигини самарали муҳофаза қилишдир.
Маълумки, республикамиз бўйлаб кўплаб скрининг марказлари ташкил этилди. Илгари ҳомилдор аёллар скринингдан ўтиш учун узоқ йўл босиб катта шаҳарларга боришлари тўғри келган бўлса, бугун деярли ҳар бир вилоят марказида скрининг хоналари мавжуд. Лекин бу борада ҳам камчиликлар йўқ эмас.
Статистик маълумотларга кўра, ҳар йили мамлакатимизда 4800 нафар чақалоқ юрак етишмовчи-

лиги касаллиги билан туғилиб, уларнинг атиги 1800 нафарига юртимизнинг ўзида жарроҳлик операциялари амалга оширилади. Бу жуда паст кўрсаткич. Биринчидан, бу ерда ҳам малакали кадрлар етишмовчилиги сезилса, иккинчидан, шунча скрининг марказлари очилса-ю, лекин ҳомила патологияси ўз вақтида аниқланиб, керакли даво чоралари қўлланилмаса, бу саъй-ҳаракатлар бесамар кетишидан далолат эмасми?!

Биз соғлиқни сақлаш тизими қайта шакллантириш ишлари бўйича тизимли ишларни давом эттириш, энг аввало, унинг бирламчи бўгини бўлган тез тиббий ёрдам соҳасини ўзгартириш, оила саломатлигини мустаҳкамлаш, она ва болаларнинг сифатли тиббий хизматдан фойдаланиши учун имкониятларни яна-

да кенгайтириш, чақалоқлар ва болалар ўлимини камайтириш, тиббиёт бирлашмаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, жисмонан соғлом, баркамол авлодни тарбиялаш тарафдоримиз.
Яна бир масалага эътиборингизни қаратишни истардик. Аёллар, оналар ва болалар соғлигини муҳофаза қилиш баробарида, эркаклар саломатлигини ҳам яхшилашга ургу бериш кераклигини таъкидламоқчимиз. Юртимизда яшовчи 30-60 ёшдаги эркаклар энг биринчи бўгин — оилавий поликлиникаларимизга ташриф буюравермайдилар. Афсуски қандайдир хасталик уларни оёқдан йиқитганидан сўнг ёки оғриқ безовта қилсагина, шифокорга боришади. Аслида профилактика ишларини ана шу ёш чегарасидаги эркаклар орасида ҳам

мунтазам ўтказиб бориш даркор. Бунинг учун эркаклар саломатлиги жафаликларини ташкил этиш, жисмоний машғулотлар тарғиботи кучайтириш, маҳалалар доирасида суҳбатлар уюштиришни таклиф қиламиз.
Шунингдек, биз соғлиқни сақлаш соҳасининг хусусий секторини барқарор ривожланишнинг муҳим омилларидан бири сифатида тан оламиз ва шунинг баробарида, асосий эътиборимизни соғлиқни сақлаш давлат секторини мустаҳкамлаш, соғлиқни сақлаш соҳасида ёқори малакали хорижий мутахассислар сони ва инвестицияларни кенгайтириш, кадрлар малакасини ошириш ва тайёрлаш самарали тизимни шакллантириш, тиббиёт туризми ва тиббий хизматлар экспортини ривожлантиришга қаратамиз.

Бағрикенглик, инсонпарварлик хислатларини шакллантириш, миллатлараро тотувлик, динлараро ҳамжиҳатликни, жамиятда фуқаролар тотувлигини мустаҳкамлаш, барча фуқароларга, миллати ва диний эътиқодидан қатъи назар, тенг ҳуқуқ ва эркинлик бериш, ёш авлодни миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат, Ватанга муҳаббат ва садоқат руҳида тарбиялаш аввалбошдан Ўзбекистон Республикаси давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бири бўлиб келмоқда.

Тинчлик ва барқарорлик

миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш гаровидир



Инна КОРЖИКОВА
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
38-Навобий сайлов округидан номзод этиб кўрсатилган

Мақсадимиз демократик ижтимоий давлат барпо этиш

Сўнги уч йилда давлат ҳокимияти органлари тизимида Олий Мажлиснинг роли ва аҳамияти сезиларли даражада кучайди, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатини шакллантириш ва амалга оширишда мамлакатимиз олий қонунчилик органининг имкониятлари кенгайди. Шу билан бирга, Вазирлар Маҳкамаси, ижро ҳокимияти органлари фаолиятини ташкил этишнинг принцип ва тартиби ўзгарди, ҳукуматнинг ваколатлари янада кенгайди, унинг парламент олдида, жойлардаги давлат бошқаруви органларининг Халқ депутатлари кенгашлари олдидаги масъулияти оширилди.

Шубҳасиз, ушбу жараёнда фуқароларимизнинг ҳуқуқий онги, сиёсий ва ҳуқуқий маданияти тобора юксалиб бораётгани ислохотларнинг муҳим асоси, уларни амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартига айланиб улгурди.
“Адолат” СДПнинг мақсадларидан бири ҳам давлат ва жамият бошқарувида аҳолининг муносиб иштирокини таъминлаш ҳисобланиб, партия сиёсий ислохотларнинг янада чуқурлаштирилиши, жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкамланиши ва ривожланиши, адолат, инсон ҳуқуқ ва эркинликларни устуворлиги таъминланиши тарафдоридир.
“Адолат” СДП вакиллик ҳокимияти, фуқаролик жамияти институтларининг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ва ролини янада кучайтириш, парламентаризмни ривожлантириш, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолиятига ошқоралик, очиклик ва ҳисобдорлик тамойиллари кенг жорий этилиши мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг негизи бўлиши лозим, деб билади.

чилик назоратининг ҳақиқийлиги, сифат даражаси, ижтимоий жараёнларга таъсири муњия роль ўйнайди.
Шу сабабли, партия Ўзбекистонда ижтимоий барқарорликни таъминлаш вазифаси давлат, ҳокимият, бизнес ва фуқаролик жамияти институтлари саъй-ҳаракатларини уйғунлаштириш ва мувофиқлаштириш, жамоатчилик назорати институтини янада кучайтиришни талаб этади, деб билади.
Бунда иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий аҳамиятга молик масалалар юзасидан қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари, давлат ижтимоий дастурлари ва ҳудудларни ривожлантириш дастурларининг кенг жамоатчилик иштирокида экспертизадан ўтказилиши, нодавлат но-тижорат ташкилотлари фаолиятини янада қулай шароитлар яратилиши, уларнинг соғлиқни сақлаш, таълим, атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳаларидаги муаммоларни ҳал



Нурлыбай КАИПБЕРГЕНОВ
Ўзбекистон “Адолат” СДП томонидан
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Қонунчилик палатаси депутатлигига
7-Орол сайлов округидан
номзод этиб кўрсатилган


қилишдаги иштирокининг кучайтирилиши доимий эътибор марказида бўлиши лозим.
Албатта, демократик жамиятни матбуот эркинлигисиз, ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этишсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Биз қутилган натижаларга эришиш учун ахборот соҳасини янада демократлаштириш, сўз ва ахборот эркинлигини таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратамиз.
Сайловолди дастурида аниқ режаларни белгилаб олган партияимиз мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда, халқимизнинг бой турмуш тажрибасига асосланиб, республика аҳолисининг миллий ва маданий аънаналарига, барча ижтимоий гуруҳлар ва қатламларнинг манфаатларига мос келадиган демократик ижтимоий давлат ва адолатли фуқаролик жамияти қуриш жараёнарига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшишда давом этаверади.

Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастурида ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратилган бўлиб, аниқ таклиф ва режалар қайд этилган. Партия дунё мамлакатлари ва халқаро институтлар билан ўзаро манфаатли, дўстона муносабатларни мустаҳкамлашга қаратилган дипломатик динамик ташқи сиёсат, Марказий Осиёнинг амалда барқарор, ҳар томонлама ривожланган ва қўшничлик алоқаларини йўлга қўйган минтақага айланиши тарафдори экан, ташқи сиёсатимизнинг муҳим ва асосий мақсади бўлган — тинч, иқтисодий ривожланган Марказий Осиё, ҳеч бир истисносиз барча масалалар юзасидан конструктив ўзаро ҳамкорлик қилиш, мулоқот ўтказиш вазифасини қўллаб-қувватлайди. Бу эса мамлакатимиз ҳамisha қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик қилиш, Марказий Осиё муаммоларини биргаликда ҳал этиш йўлини белгилаб беради.
Тарихдан маълумки, мустақилликни мустаҳкамлаш, уни ҳимоя қилиш ҳеч қачон ўз долзарблигини йўқотмайди. Мамлакатимизда ҳукм сураётган тинчлик-осойишталик, чегараларимиз дахлсизлигини асраш, Куролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини кучайтириш, жаҳон миқёсида рақобат, қарама-қаршилик тобора бешафқат тус олаётган, радикализм, терроризм, экстремизм, “оммавий маданият” каби таҳдидлар кучайиб бораётган таҳликали замонда доимо оғоҳ ва ҳўшёр бўлиб яшаш, сафарбарлигимизни янада ошириш — бугун ҳаётнинг ўзи талаб қилаётган энг муҳим ва долзарб вазифамиз эканини ҳаммамиз теран англашимиз даркор.
Хавфсизлик борасида йўлимиз — қатъий, позициямиз — аниқ, мақсадимиз — тайин. Бу, биринчи галда, мамлакатимиз тинчлиги, халқимиз осойишталигини таъминлашга қаратилган сиёсат юритишдан иборат.
Партияимиз Сайловолди дастурида Ўзбекистоннинг замонавий Ҳарбий кучлари — халқнинг фаровон ҳаёти, давлат хавфсизлиги ва барқарорлигининг ишончли кафолати, деб белги-ланган. Армиямиз қиёфаси, ҳарбий имкониятлари, моҳияти, ҳарбий жамоалардаги ахлоқий шароитни тубдан ислоҳ қилиш, қўшинни замонавий ва ишончли қурол-аслаҳа ва ҳарбий техника, энг янги ўқув воситалари, ўқув-моддий база билан таъминлаш, қўшин таркибида ахборот-коммуникацион технологияни жорий қилишга қаратилган саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам дастурдан алоҳида ўрин олган. Таъкидлаш ўринлики, ҳарбий хизматчиларнинг оилалари иш билан таъминланиши, ўқиш, пенсия ва тиббий таъминот соҳаларида қонун билан кафолатланган имтиёзларга эга бўлиши керак. Илгари ишлаш имконияти бўлмаган ёки мутахассислиги бўлмагани боис кам иш ҳақи эвазига ишлашга мажбур бўлган ҳарбийларнинг умр йўлдошлари учун пенсияларни алоҳида ҳисоблаш тартибини ўрнатиш зарур. Яъни, умумий меҳнат стажига узоқ гарнизондаги хизмат даврини киритиш, ўша пайтдаги иш ҳақи миқдорини эса ҳудуд учун қабул қилинган ўртача миқдорда белгилаш лозим.

ADOLAT

HAR BIR

INSON UCHUN



O'ZBEKISTON
ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK
PARTIYASI

NOMZODLARIMIZGA OVOZ BERING!

ТАФАККУР ГУЛШАНИ

Яқинда адабий нашрларнинг бирида яхши китобларни ўқиш — турли онкологик хасталиклар, миянинг эрта қариши, ақли заифлик, Альцгеймер касалликлари...

Кўнгил хазинаси — омад харитаси

Хатто Буюк Британияда китоб терапевти деган касб бор экан. Бундай мутахассислар китоб ўқиш орқали руҳий муаммолар қуршоведа қолган кишиларни даволаркан.



Кўплаб хорижий давлатларда яхши бир одат бор. Одамлар китоб ёки газета-журнални ўқиш бўлган ҳолатда, бекатда унинг ўрнига ўтирган бошқа одам ўша нашрни беҳижолат ўқийверида.

Хуллас, тараққиётни кўзлаган давлат борки, халқини китобга ошно этишнинг турли йўлу усулларини излаётди. Савол тўғрисида: нега энди бунга чора излаш керак? Нега китобсаворликка тарғиб зарур бўлиб қолди? Ахир, ҳамма китобни шундоғам ўқиши керак эмасми?! Утмишда ота-боболаримиз илмга ташна, китобга меҳр қўйган халқ ҳисобланган.

САЙЛОВЧИ СЎЗ СЎРАЙДИ

Бизга «ТТТ» керакми?!

Ёки "Миллий тикланиш"дан яна бир антиқа гоё Сайловолди тарғибот-ташвиқот жараёни айни қизгин паллада. Деputатликка номзодлар орасидаги рақобат қучайди...



Даромад олишига оид аниқ ва тўғри маълумот борми бизда, қанчадан-қанча одамлар меҳнат биржаларида ишсиз сифатида эътироф этилгану, яна қанча минглаб инсонлар бу эътирофдан воз кечганини ўрганамиз...

ундиришни аниқлаб ҳам олди дейлик. Лекин истеъмолчи бунга рози бўлармикин? Унга бир ташкилотда ишлаб туриб (агар ишлаётган бўлса) ҳаммаси бошқа сумма, ўзи яна бошқа сумма тўлашга мажбуригини ким тушутиради? Ҳам давлатга солиқ тўлайдиган, ҳам ишчи ўрни яратиб қўйган тadbиркор нега яна кўп пул тўлаши керак? Қолаверса, бир ой минг сўм, яна бошқа ойда юз минг сўм даромад топадиганлар нима қилади? Даромади қанча бўлганини исботлаш учун қанчадан-қанча бюрократик тўсиқларга учралишини ўйлаб кўришдимикан? Шундоқ ҳам 13 миллионлик меҳнатга лаёқатли халқимизнинг бор-йўғи 4,6 миллион нафари солиқ тўлашини инобатга олиб, коммунал тизимдаги қарздорликлар қанчалик ошиб кетишини ўйлаб кўришдимикан? Биргина чалқашлик бошқаларнинг бош оғриғига айлиниб кетади-ку. Яна жабрини халқимиз тортишини тасаввур қилиш қийин эмас. Назаримизда, бу сиёсий партия нима бўлганда ҳам янги гоёни ўртага ташлашни ўз олдига мақсад қилиб қўйганга ўхшайди. Велосипед...

ОЛИЙ ТАЪЛИМ ЯНГИЛИКЛАРИ

Режада яна бир нуфузли университет

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигида вазир ўринбосари Узоқбой Бегимқулов Москва давлат геодезия ва картография университети ректори Надежда Каминина бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда Москва давлат геодезия ва картография университети ва картография филиалларини очиб қилиш бўлиб келишди. Жумладан, Россия университетининг мамлакатимизда ташкил этилиши режалаштирилган филиалларининг ҳуқуқий мақомини белгилаш, ўқув жараёнларини йўлга қўйиш, битирувчиларга бериладиган дипломларнинг юридик мақоми ҳамда битирувчи талабаларини иш билан ташминлаш масалаларига тўхталиб ўтилди.

Таълим дастурлари бўйича тақдирот

Андижон давлат университетда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда "Education USA" маслаҳат маркази вакиллари ҳамкорлигида талабалар билан АҚШда таҳсил олиш бўйича таълим дастурлари бўйича учрашув бўлиб ўтди.

Учрашувда АҚШнинг Ўзбекистондаги элчисининг маданият ва таълим масалалари бўйича маслаҳатчиси Джоан Крам хоним, "Education USA" маслаҳат маркази вакиллари Райан Швайцер, Жонатан Патч, Лола Болтаева ва бошқалар талабаларга "Global UGRAD", "The Fulbright Foreign Student Program", "The Hubert H. Humphrey Fellowship Program" каби таълим дастурлари ҳақида маълумот беришди.

Талабанинг уч медали



Оғир атлетика бўйича Хитойнинг Тяньжин шаҳрида ўтказилган олимпиадада йўлланма берувчи Жаҳон кубоғида Ўзбекистон давлат жисмоний тарбия ва спорт университети талабаси Сарвар Зафаржонов 1 та кумуш ва 2 та бронза медалларини қўлга киритди.